



Ishonch

Моҳият
Биз бугунги кунда дехон ва фермерларимизнинг дунёқарши тобора юксалиб, ерга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгариб, уларда ўз ерига ҳақиқий эгаллик ҳиссиётининг кучайиб бораётганини кишлоқ ҳаётини обод ва фаровон этишининг, эл-юртимиз қўлга киритаётган барча марраларнинг асосий шarti ва гарови деб биламиз.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига

Қадри дўстлар!

Бугун эл-юртимиз ҳаётида қувончли бир кун. Мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар.

Ҳақиқатан ҳам улкан ва шарафли меҳнат самараси бўлиши мана шундай маррага эришганингиз билан ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган сиз, азми катъий дехон ва фермерларимизни, барча кишлоқ меҳнаткашларини чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, бу йилги мавсумнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қўл гавририш мумкин, лекин мен учта муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Авалло, кишлоқ меҳнаткашларининг юксак ушшоқлик намунасини кўрсатиб, ишини тўғри ва оқилона ташкил этиш ҳисобидан бу йилги ҳосилни пахтачилик тарихимизда кам учрайдиган гоят қисқа муддатда йигиб-териб олишга эришганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Қўлга киритилган бу ютуқнинг эътиборли иккинчи томони шунки, еттиштирилган пахтанинг асосий қисми юксак сифат билан тайёрланди. Мамлакатимиз бўйича биринчи навга топширилган пахта хомашёсининг улуши тахминан 90 фоизни ташкил этгани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Яна бир диққатга сазовор томони — бу йил пахтачиликда ҳосилдорлик даражаси сезиларли равишда ошгани барчамизни қувонтирди. Жорий йилда мамлакатимиз бўйича ўртача ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 4 фоизга ошиб, гектаридан 26,3 центнерни ташкил этгани бунинг ёрқин далилидир.

Бундай муҳим ютуқ авваломбард барчамизни боқадиган еримизнинг унмдорлиги, шу билан бир қаторда, кишлоқ хўжалигида меҳнат самарадорлигининг тобора ортиб бораётганидан дарах беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун мана шундай кутлуг айёмда мамлакатимизнинг юксак хирмонига муносив ҳисса қўшган вилоятлар, туман ва фермер хўжалиқларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Бу йилги маълум Навоий вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг пахтакорлари шартномавий мажбуриятлари қисқа муддатларда ортиб билан адо этгани учун ҳар қачна тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Шу борада Амударё, Пахтабод, Қумқўрган, Сарюсий, Вобкент, Гурлан туманлари сентябрь ойида, Кейғили, Олтинқўл, Избоскан, Ромитан, Шахрисабз, Муборак, Қизилтепа, Навбахор, Нарпай, Денов, Хонка туманлари эса октябр ойининг бошида, 20-25 иш кунини биринчи қаторида режаларни бажариб, бошқаларга ўрнак бўлдилар.

Юқори сифат кўрсаткичларига эришган Қашқадарё, Бухоро ва Навоий вило-

ятларида пахтанинг 90-94 фоизи, Шахрисабз, Косон, Вобкент, Қоровулбозор, Қизилтепа, Амударё, Нарпай, Қумқўрган, Сарюсий каби туманларда эса 94-97 фоизи биринчи навга топширилгани айниқса эътиборлидир.

Ҳосилдорлик бўйича юксак натижаларни қўлга киритган Қаниқўл туманидаги «Ганжебек», Булоқбоши туманидаги «Баракка ҳосил самараси», Ромитан туманидаги «Тўхтамурод», Касби туманидаги «Кенжа бобо Эгамбердиев», Каттақўрган туманидаги «Хосил», Денов туманидаги «Маматмурод Хотамов», Арнасай туманидаги «Сангзор», Навбахор туманидаги «Муслим Мадалимов», Чиноз туманидаги «Ҳикматилла Йўлдошев», Олтиариқ туманидаги «Нуробод», Наманган туманидаги «Навбахор намунаси», Сирдарё туманидаги «Тинибек бобо», Хонка туманидаги «Бекажон Собирова» каби фермер хўжалиқларида — бундай ажойиб ютуқларга эришган хўжалиқлар сонини яна қўллаб келтириш мумкин — гектаридан 45-50 центнер ва ундан ҳам юқори ҳосил олинганининг ўзи дехқончилигимиз тарихига янги саҳифа бўлиб кириши шубҳасиз.

Қўлчиликнинг эътиборини, ҳайрат ва ҳавасини уйғотадиган, жорий йилда эришган ютуқларимиз неғизда ётган мезон ва омиллар ҳақида алоҳида гапиришни зарур деб биламан.

Авалло, бунинг замирида кейинги йилларда ғўза селекцияси масаласига катта эътибор қаратиб, Ўзбекистоннинг ҳар қайси ҳудуд ва минтақасига мос бўлган, касалликларга чидамли, эртапилан ва севхосил, юқори даромад берадиган навларни яратиб ва танлаш, уларни раёқлаштириш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз муборак вақтига эришди.

Айни вақтда замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши, ҳосилни зараркундан қўриқиб қилишда биологик усуллардан кенг фойдаланилиши, барча агротехник тадбирлар, жумладан, дефолиация ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши ютуқларимизда ҳал қилувчи омил бўлганини таъкидлаш лозим.

Шу борада бундан ўз йил олдин қабул қилинган, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратилган дастурий чора-тадбирларнинг аҳамияти, моҳияти ва самарасини, йўлайманки, баҳолашнинг ўзи қийин. Бу фикрнинг тасдиғини қўйидаги рақамлар яққол ифода этади. 2008-2010 йиллар давомида мамлакатимиз бўйича 37 минг километрдан ортиқ, шу жумладан, 35 минг километрлик туманлар ва хўжалиқлараро коллектор ва дренаж тармоқларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳисобидан 740 минг гектар сугорилмаган ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди. Бунинг учун мамлакатимиз бўйича тахминан 300 миллиард сўм маблағ йўналтирилганининг ўзи бу масалага қандай катта эътибор бераётганимизнинг ибтидоидир.

Албатта, қўлга киритган ютуқларимизнинг пойдевори бўлган, улкан маблағ, куч

ва имкониятларни талаб қиладиган бундай дастур ва тадбирлар ҳақида гапиришимиз табиий. Лекин, кишлоқ хўжалиги соҳасини самарали бошқаришни замонавий даражага кўтариш йўлида чуқур ислохотларни амалга ошириш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, уни дехқончиликнинг ҳал қилувчи бўлишига айлантириш, шунинг ҳисобидан далада ишлаётганларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бу борада энг муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз бугунги кунда дехон ва фермерларимизнинг дунёқарши тобора юксалиб, ерга, меҳнатга муносабати тубдан ўзгариб, уларда ўз ерига ҳақиқий эгаллик ҳиссиётининг кучайиб бораётганини кишлоқ ҳаётини обод ва фаровон этишининг, эл-юртимиз қўлга киритаётган барча марраларнинг асосий шarti ва гарови деб биламиз.

Ҳеч кимга сир эмас — ҳар қандай ютуқнинг пировард натижаси даромад билан — бу кишлоқ хўжалик ходими ёки оддий дехқоннинг даромади бўладими, туман ёки вилоят, қолаверса, давлат бюджетига тушадиган маблағ бўладими — ҳамма қилаётган ишларимизнинг самараси даромад ва яна бир бора даромад билан ўлчанавди. Шу маънода, бу йил пахтачиликдан олинмаган умумий даромад тахминан 2 триллион сўмдан зиёд бўлиши ва ўтган йилга нисбатан 35 фоизга кўпайиши кутулаётгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Халқимизда даромадга яраша буромад, деган оқилона ҳикमत бор. Шу нуқтага назардан қараганда, қўлга киритган даромад ҳисобидан янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, шифохоналар, кишлоқ врачлик пунктлари, маданият ва спорт масканларини қуриш, кишлоқларда қўламли нуқтага назардан шаҳардагидан асло кам бўлмаган замонавий уй-йўллар барпо этиш, йўлларни таъмирлаш, аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш борасида олдинда катта имконият ва уфқлар пайдо бўлишини барчамиз яхши тушунамиз.

Азиз дўстларим, биродарларим! Мана шу хурсандлик дамларига барчамизни брўг қўнларга етказиб, эл-юртимизни ўз паноҳида асраб, биздан марҳаматини дариг тутмасдан, ҳаммиса йўлчиликни очиб бераётгани учун Ўзбекистонга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Сизларни, бутун халқимизни бугунги катта галаба билан яна бир бор таъбирлар эканам, ҳаммагизга чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, барчамизга сизга-саломатлик, бахт ва омад, хондонларингизга тинчлик-осойишталик ва кут-баракат тилайман.

Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Улкан зафар муборак!

Пахтакорларимиз 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этиб, шартномавий мажбуриятни адо этдилар

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида кишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жорий йилда ҳам дехқонларимиз пахта тай-

ёрлаш бўйича шартномавий мажбуриятни ёгин-сочинли қўнларга қолдирмай адо этиб, юксак сифатли пахта хомашёни тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Мамлакатимиз микросида ўртача ҳосилдорлик ўтган йил-

га нисбатан 4 фоиз ошиб, гектаридан 26,3 центнерни ташкил этди. Еттиштирилган ҳосилнинг қарийб 90 фоизи биринчи навга топширилди.

(Давоми 2-бетда)

18 октябр — Самарқанд шаҳри куни

Самарқанд — қадим аждодларимизнинг юксак салоҳияти, шаҳарсозлик борасидаги зақосидан сўзловчи маъво. Кўҳна Турон заминидан барпо этилган бу тенгсиз шаҳар халиҳануз дунё ахлини лол қолдириб келмоқда. Самарқанд Соҳибқирон ва темурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида шаҳарлар сарварлари даражасига кўтарилган. Қадим ўзбек шаҳарсозлигида авлодларга намуна бўлган обидлар яратилган.



Замин сарвари

Маълумки, лойиҳалашдаги эътиборсизлик туфайли Мирзо Улуғбек кўчаси савдо дўконлари қуршовида қолганди. Қарийб бир йил мобайнида бу ерда кечаси-ю кундузи иш олиб борилди. Шарқ ва Фарб меъморчилиги ҳосиласи бўлиши муҳташам биноларга боқиб, кўз тўймайди. Куксарой, Спитамен кўчаларидаги ўзгаришлар ҳам дилга суур бағишлайди.

Бугун кўҳна Сибё боризда ҳам бунёдкорлик амалга ошириляпти.

Собиржон ЖАББОРОВ,
тадқиқотчи

Аэропорт, вокзал ва бош бекатлар кўриниши ҳам миллий меъморчилигимиздан андоза олди. Аслини олганда, ўтган бир йил тарих учун киприк қоққулик фурсат. Аммо Самарқанд учун бу муддат асарларга татиғулик бўлди. Таъбир жоиз бўлса, кўҳна шаҳар янги либос кийди. Кечаги Самарқандни бугунги ораста шаҳарга сира ҳам менғзаб бўлмайди. Бу йил ўзбек астрономлари томонидан кашф этилган янги сайёрага Президентимиз тақдир билан «Самарқанд» дея ном берилди. Бу кўҳна заминга бўлган чуқур ҳурмат ифодаси, албатта. Самарқанд ғўзаллиги юлдуз бўлиб кинотда порлаб тургандек.

Эътироф



Ҳамюртимиз, касабга уюшма спортчиси, каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси етакчиси Вадим Меньков кетма-кет иккинчи бор «Дунёнинг энг яхши каноэчиси» деб эътироф этилди.

Вадим Меньков

сайёранинг энг кучли каноэчиси

Ёдингизда бўлса, ҳамюртимиз 2009 йил Канадада ўтказилган жаҳон чемпионати дастурида жой олган 1000 метрга каноэда эшак эшиш бөллашувларида 3.55,947 натижа қайд этиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга эришганди. У мазкур муваффақият эвазига йил якунида «Дунёнинг энг яхши каноэчиси» сифатида тан олинди.

Амалдаги жаҳон чемпиони жорий йилги мусобақаларда ҳам муваффақият ятти иштирок этди. Жумладан, Польшанинг Познан шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги жаҳон чемпионатида 1000 метрга яққал каноэда эшак эшиш баҳсларида янада яхшироқ 3.51,721 натижа кўрсатиб, жаҳон чемпиони деган номини ўзига сақлаб қолди. Шунингдек, жаҳон кубоғи баҳсларида соғирдорлар сафини ҳам қўли олди. Зафарли юришлар Халқаро каноэ федерацияси (ICF) эътиборидан четда қолмади. В. Меньков 2010 йилда ҳам «Сайёранинг энг яхши кано-

эчиси» сифатида эътироф этилди.

Шундай қилиб, ҳамюртимизнинг номи каноэда эшак эшиш бўйича икки қарра жаҳон чемпиони ва икки бор дунёнинг энг кучли каноэчиси сифатида тарих зарварларига битилди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бошқа спорт турлари қатори байдарка ва каноэда эшак эшиш билан шуғулланувчилар сони тобора кўпайиб бораётди. Бугун 2000 дан ортиқ ёшларимиз мазкур спорт турлари бўйича машғулотларда иштирок этишмоқда. Айни пайтда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича терма жамоа аъзолари жорий йилнинг 12-27 ноябрда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳри мезонлик қиладиган 16-Осиё ўйинларида қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Ушбу нуфузли спорт анжумани ҳам юртдошларимиз учун омадли келади, деб умид қиламиз.

Ўз муҳбиримиз

Курултойдан курултойгача

Эзгу мақсад йўлида

Давр билан ҳамнафас

Ўзбекистон касабга уюшмалари турли касб эгалари бўлган меҳнаткашларни жинси, диний эътиқодлари, ирқий ва миллий мансубликларидан қатъи назар ихтиёрий бирлаштирувчи мустақил оммавий жамоат ташкилотидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёзилганидек, «Касабга уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этишлари ва ҳимоя қилдилар» (XIII боб, «Жамоат бирлашмалари», 59-модда).

Асосий Қомусимизда таъкидланганидек, «Касбага ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир».

Ўзбекистон мустақиллигига эришилганидан сўнг жамиятнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тизимида туб ислохотлар амалга оширилиши туфайли касабга уюшмалари фаолиятида ҳам янгиланишлар юз берди. Ўзбекистон Республикасининг «Касбага уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида»-ги Қонунида мамлакатдаги бу энг оммавий жамоат ташкилотининг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди. Ҳуқуқдорларнинг касбага уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддаси (VIII боб, «Сиёсий ҳуқуқлар»)да ўз аксини топ-

ди. Меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, маданий ва соғлом дам олишларини ташкил этиш касабга ташкилотларининг муҳим вазифаларига айланди.

Яна муҳим жиҳати шундаки, касабга уюшмалари ишлаб қариш, тармок ва худудий принциплар асосида ташкил этилишига эътибор қаратилди. Улар аъзо ташкилотлар сифатида Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясига бирлашиши давр талабларига тўла мос тушди.

Ўзбекистон маданият ходимлари касабга уюшмаси ҲАКУФнинг асосий бўгинларидан биридир.

Жамоа шартномаси мукамал бўлса...

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда ижтимоий шерикчилик, музокара ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган ҳолда иш юритиб келмоқдамиз.

Ҳозир тармоқда 2008-2010 йилларга мўлжалланган учта вазирлик билан тузилган тармок келишувлари, 27 та вилоят тармок келишувлари ҳамда 921 та жамоа шартномаси тузилган.

(Давоми 2-бетда)

21 октябр — ўзбек тилига

Давлат тили мақоми берилган кун

Юртимизнинг дунё билан юзлашаётгани, халқаро муносабатларда фаол иштирок этаётгани хорижий тилларни ўрганишдек заруратни олдимизга қўндалган қўймоқда. Бу эса ҳеч қачон она тилимизни четга суриш, унга эътиборимизнинг сусайиши ҳисобига бўлмаслиги керак.

Тилни севган — элни севади

Она тилимизнинг бой тарихини авлодлар онига сингдириб бораётган муаллимлар ҳар бир нарсга, жисмининг тарихи махсус ўрганилганидек, ҳар бир сўзининг тарихи ҳусусида ҳам кенг изохли тушунтириш, махсус тадқиқотлар олиб бормоқда. Узимиз сезмаган ҳолда атрофга назар ташлаш, қундалиқ турмушда, тилимизда қўлланмаган оддий сўзларни биргина бош маъносини билсак-да, унинг мажозий, кўҳна маъноларини англаб етолмаймиз ёки ўша сўзининг маънодошларини тезда айтиб беролмаймиз. Масалан, инсон аъзоларидан бири лабнинг дудоқ (тут-ақ) ҳамда эрн (эрин) каби маънодош атамалари борлиги, юз сўзининг чеҳра, хусн, ораз, шунингдек, афт, башара, турк каби синонимик атамалари борлигини эслашимиз тил бойлигимиздан далолатдир. Ўртоқ сўзининг дўст,

қадрон, биродар, оғайни (оға-ини) каби маънодош атамалари бор.

Ўзбек тилининг жозибасини ёшлар нутқида сингдириш мақсадида ҳар бир маънодош сўзининг турли кўринишлари борлиги ҳақида фикр юритишга чуқурроқ ёндашиш учун илмий адабиётлардан фойдаланиш, умуман, тилининг фонетика, грамматика, лексика конуниятлари ҳақида билимга эга бўлиш талаб этилади.

«Ўзбекистон» телеканалда мунтазам бериб бораляётган «Ўзбек тилининг изохли луғати» видеоролиги ҳар жиҳатдан давлат тили тўғрисидаги конунининг амалда бажарилишининг энг самарали усулларидан бири, деса бўлади. Ўзбек тили ва адабиёти дарслиги, қўлланмалар барча оилаларда мавжуд бўлса-да, айниқса, тилга оид илмий адабиётлар, луғатлар, ҳамма-нинг ҳам хондониди бўлавермайди. (Давоми 2-бетда)

Курултойдан курултойгача

(Боши 1-бетда)

Айни кунда тармоқ касоба уюшмаларига қабул қилинган корхона ва ташкилотларнинг 74,5 фоизид...

2009 йилда 921 та жамоа шартномасига ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бе...

ларига юридик хизматни тўғри йўлга қўйиш мақсадида Низом қабул қилинган эди. Унга бино...

Шунингдек, вилоят вакилликларига ҳокимликлар, суд, прокуратура, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, туман ва шаҳар «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда очик мулоқотлар ташкил этилмоқда.

Ходимлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда мурожаатлар билан ишлаш, уларни қонуний ўрганиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳисобот даврида Марказий Кенгаш ва вилоят вакилликларига 3091 та, улардан 787 таси ёзма

тарзини тарғиб қилиш, уларни оммавий спортга жалб этиш, турли мусобақаларни ташкил этишдан иборат. Утган беш йил давомида 18 та тармоқ спартакиадаси ўтказилиб, уларда 44 миңдан ортқ ишчи-хотим иштирок этди.

Баркамол авлод — келажакимиз

Тармоғимизда «маданиятнинг энг муҳим бойлиги — тўла ишга солинмаган ноёб кадрлар салоҳияти» қондасига амал қилинади, десак муболага бўлмас. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёшлар билан ишлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш Марказий Кенгашнинг ўз олдига қўйган асосий вазифаларидандир. Бу борада қатор ишлар амалга оширилиб, келажакимиз пойдевори бўлган ёш авлодга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кенгаш ҳамда шаҳар кенгаши ҳамкорликда ўқув муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг 150 нафарига қадимий Самарқанднинг тарихий обидалари бўйлаб саёҳат қилиш имконини яратиб берди.

Вазифалар аниқ

Яқинда Ўзбекистон маданият ходимлари касоба уюшмасининг V курултойи бўлиб ўтди. Унда яқин келгусидаги режаларни белгилаб олинди. Жумладан: — корхона-ташкilot, муассасаларга қаршили бўлган, касоба уюшмалари томонидан фаолиятини таъминлаш белгиланган маданият муассасалари ва кутубхоналар ишини янада жонлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; — меҳнатқашлар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларига эътиборни кучайтириш;

Эзгу мақсад йўлида

тайинланди. Ҳаммаизга маълумки, жамоа шартномаси ходимлар билан иш беравчининг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солишга ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади. Бирок, айрим корхона, ташкилот ва муассасаларда тузилган жамоа шартномаларига қўшимча имтиёзлар киритилмаганини айтиш ўринлидир.

Жамоа шартномасига киритилиб, бугунги кунда бажарилиши тўлиқ таъминланмасдан қолаётган бандлардан бири — ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашдир. Иш ҳақидан муддатли ўтган қарздорликни тугатиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг талаб даражасида бўлишини таъминлаш асосий вазифаларимиздан биридир.

Бунда Вазирлар Маъжмасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Федерация кенгаши томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясига бирлашган касоба уюшмаларининг иш ҳақидан муддатли ўтган қарздорликни тугатиш бўйича намунавий ҳаракат тартиби»дан самарали фойдаланилмоқда.

Ҳуқуқий саводхон кадрларга эътибор

Маълумки, Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан 2006 йилнинг августда касоба уюшма ташкилот-

ва 2304 таси озаки мурожаат келиб тушган. Қувонарлиси, уларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилган. Шунингдек, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги фуқаролик судларида иштирок этган вакиллар ўндан зиёд ходим ҳуқуқини ҳимоя қилишди.

Соғлом ходим — соғлом жамоа дегани

Ҳаммага маълум, соғлом ходимгина жамоасига наф келтиришга қодир бўлади. Шуни назарда тутган ҳолда ходимлар саломатлигига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Соҳда ягона ижтимоий тўлов маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга, меҳнатқашлар ва улар оила аъзоларининг саломатлигини муҳофаза этишга алоҳида аҳамият берилиб, санаторий-курортларда 3564 киши, санаторий-профилакторийларда 170 киши соғломлаштирилди.

Меҳнат жомаслари олий ва ўрта махсус ўқув юртимизда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ўтказилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар, миллий аъёнларимиз, урф-одатларимизни тарғиб қилувчи учрашувлар, интеллектуал ўйинлар, кўрик-танловлар, «Ўзбекистон, сени қулайман» санъат фестиваллари ходимларнинг маънавий-маърифий савиясини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

Касоба уюшмаларининг асосий вазифаларидан яна бири — меҳнатқашлар, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тизимда мавжуд тўққиз юздан ортқ қўйи ташкилотлар томонидан 300 нафар кам таъминланган, кўп болали оилалар, кўмакка муҳтож ёшлар ҳамда ногиронларга моддий ҳимоя таъминлаш кўмак берилди. Мақсуд мақсад йўлида 9 млн. сўмдан ортқ маблағ сарфланди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлганга қадар бўлган 30 нафар ёш онага 900 миң сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Тармоқ корхона ва ташкилотларига алоқдор оила фарзандлари учун ўқув қуроллари ва дарсликлар харид қилиш ҳимийлар томонидан амалга оширилмоқда.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Марказий Кенгашнинг Самарқанд вилояти вакилиги томонидан 2007 йилдан буён ўрта махсус ўқув юртимизда талабаларни учун доимий равишда устама стипендиялар бериб келинмоқда.

«Баркамол авлод йили»га бағишлаб баҳор фаслида ёш ва иқтидорли режиссёрларнинг III Республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Унда 11 нафар режиссёр голиб деб топилди, Марказий Кенгашнинг фахрий ёрлиги ва кимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш мақсадида Тошкент шаҳар кенгаши томонидан мини-футбол бўйича мусобақа ташкил этилди. Бундан ташқари, Марказий

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда болалар спорт объектларида банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан қишлоқдаги мураббийлар, айниқса, аёл мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш чораларини кўриш;

— ёшлар ўртасида интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган, миллий аъёнларимиз, урф-одатларимизни тарғиб қилувчи тадбирлар сони ва сифатини янада ошириш;

— меҳнатқашлар, айниқса, ёшлар ўртасида диний ақидалараслик, турли экстремистик гуруҳлар таъсирига берилиб кетиш ҳолларининг олдини олиш, уларни ҳушёрликка, оғоҳликка даъват этиш борасида доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришни кучайтириш зарур.

Бунинг учун касоба уюшма ташкилотлари маҳаллий ҳокимлик, ҳуқуқ-тартибот органлари, хотин-қизлар кўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари кенгашилари, «Маҳалла» жамғармаси каби давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Малика ЖАЛИЛОВА, Ўзбекистон маданият ходимлари касоба уюшмаси Марказий кенгашнинг раиси

(«Ўзбекистон матбуоти» журнаlining 2010 йил 4-сонидан олинди)

Пахта далаларида

Деҳқоннинг барака аримас қўллари билан етиштирилган пахта хирмонини юксалтириш юртимизда уюшқоқлик билан амалга оширилди. Ҳосилни ёгин-сочинли кунларга қолдиримай йиғиб олишда кўмаклашган теримчилар ўз меҳнатлари самарасидан жуда мамнун. Пахтакорнинг юзи ёруғ бўлди, пахтасидай оқ бўлди, чунки бу йилги ниятлар амалга ошди.

Бу жараёнга касоба уюшма ташкилотлари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга бел боғлади. Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 3 сентябрдаги «2010 йил пахта хом ашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати қарор қабул қилганди. Унга кўра тармоқ ҳамда ҳудудий касоба уюшма ташкилотлари йиғим-теримда юқори натижаларга эришган теримчиларни моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришди. Қимматбаҳо совға ҳамда фахрий ёрликлар муносиб ёгаларига топширилди. Бундай хайрли ишлар айниқса, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Сирдарё, Жиззах ҳамда Тошкент вилоятларида яхши йўлга қўйилди.



Дилларга нур улашиб...

ЖИЗЗАХ вилояти пахта хирмонига ҳашарчи-теримчилар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларни рағбатлантириш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш эса касоба уюшма ташкилотларининг энг муҳим вазифасига айланди.

ЎзКУФК раҳбарияти Жиззахлик ҳашарчиларга кимматбаҳо совғалар улашиш учун Пахтакор туманидаги «Навбахор» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги Жўра Солаев бошлиқ «Абдулла-Мутал» фермер хўжалигининг намунавий типдаги бежирим ва кўркам дала шийпонига ташриф буюришди.

Федерация кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова юздан зиёд теримчига кимматбаҳо совға ҳамда ЎзКУФКнинг фахрий ёрликларини топширди.

Ана шундай моддий ва маънавий рағбатга эга бўлганлар орасида Ф.Йўлдошев, С.Исломова, Г.Жовлиева, Д.Жуманова, Н.Тошпўлатова, И.Уролов сингилар бор.

Ҳашарчиларнинг бир пиёла чой устидаги суҳбатига «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Жиззах вилоят бўлими жамоаси куй-қўшиқлар билан

жозоба киритди. Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Ш.Ахророва, вилоят касоба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Н.Пардаев, Пахтакор тумани ҳокими Э.Солиев иштирок эттишти.

Шунингдек, ЎзКУФК раҳбарлари СИРДАРЁ вилоятининг Оқолтин туманидаги Бобур номи, «Андижон», «Сардоба», «Фарғона» хўжаликлариди пахта йиғим-теримига қатнашаётган ҳашарчилар ҳузурида ҳам бўлишди. ЎзКУФК раиси Д.Жаҳонгирова, раис ўринбосари Н.Аллаёров илгор теримчиларга Федерация кенгашининг совғаларини топширишди. Шунингдек, 20 нафар кам таъминланган оиладан чиққан теримчига совғасалом берилди.

15 октябр кун

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ Юқоричиқ туманидаги «Примоагробизнес» фермер хўжалигининг дала шийпони илгор ҳашарчилар билан гавжум бўлди. Уларга ЎзКУФК ҳамда Тошкент вилоят касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг кимматбаҳо совғалари топширилди. Тадбирни Федерация кенгаши раисининг ўринбосари Н.Аллаёров кўриб чиқиб олди.

Тошкент вилоятининг Юқоричиқ туманидаги «Примоагробизнес» фермер хўжалигининг дала шийпони илгор ҳашарчилар билан гавжум бўлди. Уларга ЎзКУФК ҳамда Тошкент вилоят касоба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг кимматбаҳо совғалари топширилди. Тадбирни Федерация кенгаши раисининг ўринбосари Н.Аллаёров кўриб чиқиб олди.

— Касоба уюшмасининг ҳашарчиларга кўрсатган эътиборидан ниҳоятда хурсанд бўлдик, — дейди теримчи Дилбар Исмоилова. — Айни вақтда «Иброҳим ҳожи» фермер хўжалиги пахтазорларида меҳнат қилаётимиз. Мавсум бошидан бери 2 тонна 200 килограмм пахта тердим. Қилган меҳнатим муносиб тақдирланиб, телевизор совға қилишди. Тадбир куй-қўшиққа улашиб кетди.

Тақдирлаш маросимида Федерация кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова қатнашди.

ПАЙРАИҚ ТУМАНИ Аҳад Примов номидаги маҳалла аҳли ҳам пахта йиғим-терими мавсумида деҳқонларга кўмакчи бўлишга азму қарор қилишган эди. Маҳалладошлар «Деҳқонобод» муқобил машинатрактор парки ҳудудидаги далалардан бир беш кунликда 73,5 тонна пахта теришди.

Маҳалла аҳлининг уюшқоқлиги муносиб рағбат топди. Вилоят ҳокимлиги ва касоба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан жорий этилган «Энг илгор маҳалла» йўналишидаги соврин голиби сифатида уларга медаллар ҳамда совғалар топширилди.

Шунингдек, йиғим-теримда фидокорлик кўрсатганлар номи ҳам аниқланди. Улар орасида Иштинон туманидаги «Бешик жаҳоҳири» ММТП, «Абдухалимхон бобо» фермер хўжалиги ва бошқалар бор. Жомбой туманида яшовчи Санобар Мамарахимова эса сўнгги беш кунликда 762 килограммлик хирмон уйган. Бу кунга 152 килограмдан пахта териб олинди, деганидир.

Ўз мухбирларимиз

Ҳамкорлик

Урганч Давлат университетига иқтидорли ёшларнинг илмий тадқиқот ишларига жалб этилиши талабалар билимини янада оширишга, қобилиятини юзага чиқаришга хизмат қилаётир. Бунда, айниқса, уларга яратилаётган маданий-маиший қулайликлар муҳим рол ўйнамоқда. Кам таъминланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш яхши йўлга қўйилган. Ҳар йили ёзги таътил даврида университет санаторий-профилакторийи ва касоба уюшма спорт клуби қошида чет тилларни мукамал ўргатиш ҳамда спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилади.

Эрта бугундан бошланади

Университетда 2007-2009 йилларда 27 нафар фан олимпадиаси голиби, 3 нафар Президент стипендианти, 9 нафар Давлат стипендианси соҳибни, 14 нафар атоқли шахслар номидаги стипендиатлар етишиб чиқди. Бундан ташқари, ҳар йили 70-80 нафар иқтидорли талаба олийгоҳнинг устама стипендиансини олади. Бу борада касоба уюшмалари юқори ташкилотларининг ҳимийлик ёрдамлари ҳам муҳим таъминловчи бўлиб келмоқда. Масалан, Таълим ва фан ходимлари касоба уюшмаси Марказий кенгаши ҳозирда 2 нафар талабанинг контракт тўловига ёрдам берди, ҳар йили камиди 3 нафар кам таъминланган аълочи талабага Марказий кенгашнинг махсус стипендианси берилади. Шунингдек, вилоят кенгаши ҳам талабаларни моддий қўллаб-қувватламоқда.

Замонавий жиҳозларга эга спорт комплексида барча шароит яратилган. 14 та йўналиш бўйича спорт секциясида 1200 дан ортқ ходим ва талаба шуғулланади. Бу ишларга касоба уюшма кўмитаси бош-қош бўлмоқда. 2009 йилда жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига университет маъмурияти 61,8 млн. сўм, касоба уюшма кўмитаси 4,2 млн. сўм маблағ сарфлади.

Университетда ходим ва талабаларни жамоа шартномасига асосан рағбатлантириш, муҳтожларга моддий ёрдам ажратиш яхши йўлга қўйилган. Масалан, 2009 йилда маъмурият томонидан касоба уюшма кўмитаси тавсиясига асосан 1638 нафар касоба уюшма аъзоси 577 млн. 878 миң сўм миқдорда рағбатлантирилди, 255 нафарга моддий ёрдам берилди. Касоба уюшма кўмитаси ўз ҳисобидан 23 нафар аъзони рағбатлантиришга 780 миң сўм сарфлади ва 56 нафар аъзога 1 млн. 893 миң сўм миқдорда моддий ёрдам ажратди.

Маъмурият билан касоба уюшмасининг меҳнат муҳофазаси бўйича махсус келишув асосида ҳар йили маъмурият меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги учун 3-4 млн. сўм маблағ ажратади. Талаба-ёшларни маънавий-техник сифатида тайёрлаш — бош мақсад. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Санжар ДАВЛЕТОВ, УРДУ маънавият ва маърифат ишлари проректори, Оллоёр КАРИМОВ, УРДУ касоба уюшма кўмитаси раиси

Улкан зафар муборак!

(Боши 1-бетда) Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнатқашларига йўллаган табриғида таъкидланганидек, бу галаба аъло қатъий деҳқон ва фермерларимизнинг, барча қишлоқ меҳнатқашларининг улкан меҳнати самарасидир.

Жорий мавсумда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларининг меҳнатқашлари бошқаларини ҳўқ кўрсатиб, пахта йиғим-теримини қисқа фурсатларда якунладилар.

Пахтакорларимизнинг улкан хирмони фермерлик ҳаракати қандай катта салоҳият ва истиқболга эга эканини яна бир бор исботлади. Зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли, истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизда фермер хўжалиқларини ташкил этиш борасида босқун-ба-босқун амалга оширилган ишохотлар ҳаётда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Фермерлар меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, ерга ва мулкка нисбатан чинакам эгаллик ҳиссини қарор топтириш йўлида кўрсатилган юксак эътибор, фермерлик ривожини йўлида яратилган имтиёзлар, фермер хўжалиқлари майдонларини оптималлаштириш, ерларнинг ме-

лиоратив ҳолатини яхшилаш, эртапишар ва серхосил навлар яратиш, гўза навларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига, сув билан таъминлаш даражасига қараб жойлаштириш бўйича кенг қўлмали ишлар амалга оширилгани, янги техника, минерал ўғитлар, сифатли уруғлик, ёқилғи-мойлаш материалларининг фермер хўжалиқларига ўз вақтида етказиб берилгани ҳам пахтачилик соҳасида эришилаётган юксак марраларнинг муҳим омилларидандир.

Ҳосил сифати ва салмоғи авваламбор гўзанинг навига боғлиқ. Ҳозир асосий майдонларда истиқлол йилларида яратилган ингичка ва ўрта толали гўза навларни экилмоқда. «Бухоро-6», «С-6524», «Наманган-77», «Ан-Бобўғут-2», «Бухоро-8», «Бухоро-102» каби серхосил гўза навлари шулар жумласидандир. Ушбу навлар эрпаишарлиги, санаят-боп тола бериши, касалликлар ва зараркунанда ҳашаротларга чидамлилиги, жаҳон бозорида харидорлиги билан ажралиб туради.

Жорий йилда «Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой» деб эълон қилинди. Бу даврда култивацияланди, суғорилди, чеканка қилиш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, дефолиация каби агротехник тадбирлар тўғри ва ўз

вақтида ташкил этилгани мавжуд майдонларда мўлжалдаги ҳосил тугунчаларининг тўпланиши ва улкан хирмон яратишнинг муҳим манбаларидандир. Айниқса, гўза дефолиациясига эътибор ва назоратнинг кучайтирилиши, тегишли моддий-техника базасининг олдиндан тахт қилиб қўйилиши, ишчиларга етарли шарт-шароит яратилиши тадбирини белгиланган муддатларда сифатли ўтказилишини таъминлади.

Мавсумга пухта тайёрларлик кўрилгани тўғрйли фермер хўжалиқларининг аксарияти билан теримдаёқ шартнома мажбуриятларини бажаришга муваффақ бўлди. Теримчиларга ҳар 5 кунда иш ҳақининг бериб борилиши уларнинг қўндалик иш суръатини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Кўрилаётган ана шундай комплекс чора-тадбирлар ҳисобига пахтакорларимиз юксак хирмон яратди. Хали далаларда ҳосил кўп. Уни нест-нобуд қилмасдан териб олиш борасидаги чора-тадбирлар қизгин давом этмоқда. Пахтакорларимиз уйган юксак хирмон халқимиз ҳаётини янада фаровон, мамлакатимизни янада обод этишга, пахта соғли ва қайта ишлаш борасидаги ютуқларимизни кенгайтиришга хизмат қилиши мўқаррар.

(ЎА)

21 октябр — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун Тилни севган — элни севади

(Боши 1-бетда) Аммо тилга, ҳар бир сўзнинг тарихига қизиқиш ниҳоятда катта. Баъзан бизга таниш биргина жой, шаҳар номи изоҳи хусусида турлича мунозара юриатамиз. Масалан, Олмалик топоними ҳақида тўхталар эканмиз, ўзимизга Олмалик — олмасор, деб қўяқоламиз. Аслида, Олмалик илмий адабиётларда берилишича, асли туркийча сўз бўлиб «ололмадик»дан келиб чиққан, деган этимологик изоҳ берилган. Ёки Пскент шаҳри номи аслида форсча Бискент — Бисткент — «йиғирмата шаҳар» деган маънони англатади. Телевизоороликда шунга ўхшаш омма учун аниқ бўлмаган, нутқимизда тез-тез учрайдиган ёки ҳозирги тилимизда унутилаётган каммаҳсул сўзлар шарҳи бериб боришмоқда. Тарқош — гилоф, илгари чарм, ёғочдан ясалган ўрма маъносига эканлиги; юлдўз-юлтўз — асли йил-юлтдан келиб чиққан; фомил чой — оилавий чой; отар — ўтлаш; қайроғоч — дархат номи, қаттиқ дархат каби. Бу эса телекўрсатув ижодкорларининг саёй-ҳаракатлари, сўзшунос ижодкорларининг меҳр ила қилгани, асосли илмий қомулларга қиёсланган ҳолда қилган этимологик шарҳлари ҳосиласидир. Умуман бу тилга, элга, Ватанга, миллатга, миллий урф-одатларимизга бўлган ҳақиқий садоқатнинг яққол ифодасидир.

Она тилининг бой тарихига эга эканлигини, тил софлиги, ҳар бир сўзнинг илк ва кўма маъносини англаш, уни тушутириш борасида, аввало, мухтаassisларнинг яъни тилшунос олимларнинг хизмати бекиёб бўлса, иккинчидан, кейинги йилларда дарсни интерфаол, тренинг усулларидан олиб бораётган ўрта мактаб, лицей, коллеж ҳамда олийгоҳлардаги устозларнинг, хусусан, тил ва адабиёт ўқитувчиларининг хизмати таҳсинга сазовор.

Зиёдулла ҲАМИДОВ, ЎЗМУ доценти

«Ижодкор, бунёдкор, ихтирочи ва ташаббускор авлод — таракқиётимиз таянчи» танловига

«Сурхондарё — этнографик макон»

Сурхондарё қадим тарихга эга. Хусусан, Бойсун тоғидан топилган биринчи одам излари миллоддан аввалги 100-40 минг йилларга бориб тақалар экан. Сополлитепадан эса тўрт минг йил бурунги давлатчилик нишонларини, аниқроғи, Бақтрия шаҳарларидан бирининг муҳрини топишган.

Миршоди, Кучуктепа қазилмаларидан чиққан ашёлар, жумладан, ибтидоий ёзувлар битилган сопол идишлар ўша даврга хос ёзув қўлланилганидан хабар беради.

2009 йил 25 августда Президент Ислам Каримов Термиз давлат университетига ташрифи давомида воҳанинг қадим тарихи, ўзига хос турмуш тарзи, қадриятлари ва маданиятига юксак баҳо берди. Ёш тадқиқотчи Аҳмаджон Рўзиқулов билан суҳбат чоғида бу борадаги мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Сунъий йўлдош орқали дунёдаги тарихий ёдгорликларни кўриш имконини берувчи замонавий жиҳоз — ЖГПСдан талабаларнинг фойдаланишини кузатишди. Шунингдек, Сурхондарёнинг тарихи, археологик ёдгорликлари ва этнографик хусусиятлари жамланган веб-сайт мавжудлиги билан қизиқди. Бундай сайт яратилганини билгач, давлатимиз раҳбари «Сурхондарё — этнографик макон» дастурини яратиш ғоясини илгари сурди. Бу ша- рафли вазифани Аҳмаджон



Рўзиқуловга топширди. — Биз ёшларга бекиёс имкониятлар яратаяпсиз. Бунинг учун тенгдошларим номидан миннатдорчилик билдириб, топширингизни виждонан бажаришга сўз бераман, — деди Аҳмаджон.

ТерДУ олимлари томонидан «Сурхондарё — этнографик макон» дастури лойиҳаси яратилиб, Вазирлар Маҳкамасининг фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасига тақдим этилди. Кўмита инновацион лойиҳани давлат буюртмаси асосида 2010 йил 25

февралда тасдиқлади. У 2010 йил 25 февралдан, 2011 йил 31 декабргача мўлжалланган бўлиб, қиймати 34 млн. сўмни ташкил этади.

Лойиҳа асосида кенг қўламли ишлар бошланди. Асосий эътибор жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса қўшган этнографик макон — Сурхон воҳаси ҳақидаги манбаларга қаратилди. Ибтидоий даврдан бугунги кунгача бўлган тарихга доир мақолалар тайёрланди.

— Веб-сайтнинг кириш қисмида воҳада шаклланган таъ- вирий санъат, деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчи-

лик ҳақидаги мақолаларни жойлаштирдик. Замин маъна- виятининг илдизлари — халқ оғзаки ижодиёти, илк ёзув, musiқа санъатига доир қим- матли манбалар асосидаги материаллар ҳам мавжуд. «Хўп майда», «Хирмон кўшиғи», «Ёзи» каби қатор халқ кўшиқлари шулар жумла- сидан. Сайт орқали Сурхон- дарё қадимдан ҳар томонла- ма ривожланган, ёш авлодга ватанпарварлик, миллий гурур тақдим этувчи юрт эканлигига иқдор бўласиз. Мазкур хайрли ишда ТерДУ ва Тошкент давлат жаҳон тил- лари университети филолог

олимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди, — дейди Аҳмад- жон.

Иш жараёнида ТерДУ қошида 1998 йил сентябр ойида иш бошлаган «Археологика ва этнография марка- зи»нинг фаолиятдан кенг фойдаланилди. Марказ томонидан тақдим этилган Қўхитонг, Бойсун, Боботог ва Ҳисор тоғларида жойлашган қишлоқларда олиб борилган тадқиқотлар натижаси, бу хуудлардаги этник келиб чи- қиш, жойлашуви, минтақага янги этносларнинг кўчиб келиши сабаблари, аънавий хўжалик фаолияти, маиший турмуш тарзи, урф-одати ҳамда диний эътиқодлари ҳақидаги мақолалар эътиборингизни тортади.

Ҳозир сайтда мингдан ортиқ мақола бор. Улар кун- дан-кунга кўлаيиб, ангиланиб бормоқда.

Воҳа аҳолисининг кийимла- ри, зарғарлик санъати, аъна- навий таомлари, маросилла- ри, халқ таъбати, ижодиёти, умуман, моддий ва номоддий маданияти манбалари асоси- даги мақолалар тартиб билан берилган. Аҳмаджон тимисиз изланиб, воҳа тарихига оид бирор янгилик топса, уни дарҳол веб-сайтга жойлаш- тирмоқда.

Хуллас, қизиққанлар «Сур- хондарё — этнографик макон» сайтига кириб, ўзбек, рус, япон, француз, немис, инглиз тилидаги бляклар билан бема- лол танишишлари мумкин.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» муҳбири

Журнални варақлаганда



«Мингйиллик Декларацияси XXI асрнинг глобал Кун тартибини белгилади ва Мингйиллик таракқиёт мақсадлари сифатида машҳур бўлган саккизта аниқ мақсадга эришишга йўналтирилган вазифаларни олдинга қўйди» дейилади «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг навбатдаги (3/2010) сони «Бош муҳаррир минбари» рукнидаги мақолада.

«Дунёни яхшилик томон ўзгартир»

Дарҳақиқат, инсоният олдида глобал аҳамият касб этаётган масалаларни биргаликда ҳал этиш энг оқило- на йўл ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам шундан келиб чи- қиб, кам таъминланганлик ва тўйиб овқат емаслик; бош- ланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш; аёллар ва эркекларнинг тенглигини рағбатлантириш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кен- гайтириш; болалар ўлимини камайтириш; оналар сало- матлигини яхшилаш; ОИВ/ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш; экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда Ўзе- бекистон ва таракқиёт мақсадларида глобал шериклик каби саккизта мақсадни ўз олдига қўйган.

Жорий йилнинг 20-22 сентябрида Нью-Йорк шаҳри- да Мингйиллик таракқиёт мақсадлари бўйича давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг БМТ саммити бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Президентимиз юқоридаги вазифа- ларнинг мамлакатимиздаги ижроси юзасидан батафсил маълумот берди. Шунингдек, бир қатор глобал муаммо- лар: Орол фожиаси, Афғонистонда тинчликни қарор то- пириш, Қирғизистонда бўлиб ўтган фоживий ҳолат ва трансчегаравий дарёлардан фўйдаланиш масалалари- да ўзининг муҳим тақлифларини билдирди.

Эътиборли жиҳати, журнал саҳифаларида «Мингйил- лик таракқиёт мақсадлари: ўн йиллик сарҳисоби» рук- нида ушбу мақсад йўлида мамлакатимизда амалга оши- рилган ишларга атофлича тўхталиб ўтилади. Шунинг- дек, БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Тинчлик йўлида динлараро ва маданиятлараро муло- қотни, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни рағбатлантириш» ҳамда «Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик- ни мустақамлаш» резолюциялари билан ҳам таниши- шингиз мумкин. Бир сўз билан айтганда, ушбу саъй- ҳаракатлар «дунёни яхшилик томон ўзгартир»ишга қар- тилганлиги билан муҳимдир.

Мустақиллик барчамизнинг қалбимиздаги шукроналик тимсоли. Унинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмай- ди. «Бу муқаддас ватанда азиздир инсон» шиори ости- да бўлиб ўтган истиқлол тантаналари фикримизни яна бир бор тасдиқлади. Утган даврда амалга оширилган ишлар тахлили эса эркинлик ва бирдамлик ҳикматининг нечоғлик тўғри эканини кўрсатмоқда.

«Ҳақиқатдан ҳам, ўтган ўн тўққиз йиллик мустақил та- раққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, дав- лат ва жамият қурилиши, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ташқи сиё- сат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгал- лаш даври бўлди».

Ушбу эътироф далилини «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллиги» рукнида берилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммедов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидҷон Қодиров, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази бўлим бошлиғи Илёс Қувондиқов ва юридик фанлари номзоди Зокир Ибра- гимовнинг мақолаларида ҳам кўриш мумкин.

Чунончи, сиёсий жараёнларда партияларнинг фаол- лигини янада ошириш, турли семинар, учрашув ва дав- ра суҳбатлари орқали юртимиз манфаати йўлида жамо- атчилик фикрини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фао- лиятини тадрижий мукамаллаштириб бориш ҳуқуқий давлат асосини таъминлайди. Бу борада ҳам изчил ҳаракатлар амалга оширилайтир. «Жумладан, фақатги- на 2009 йил ва 2010 йилнинг ўтган даври мобайнида Бош прокуратура томонидан мамлакат парламентиға Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари, маъмурий жа- вобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомил- лаштириш, шунингдек, жамият ҳаётининг бошқа соҳала- рини тартибга солишга қартилган 11 та қонун лойиҳа- си киритилди» дейди Р.Қодиров ўз мақоласида. Албат- та, бу ўринда одамларнинг ҳуқуқий маданияти ҳам кат- та ўрин тутайди. Негаки, И.Қувондиқов «Ҳуқуқий мадани- ят: миллий ғоя ва миллий манфаатлар уйғунлиги» ма- қоласида таъкидлаганидек, бу жараён нафақат сайлов кампаниясида ўз аксини топади, балки ҳуқуқ ва эркин- ликларнинг тўлақонли кафолатланишини исботлайди. Ушбу фикрларни ривожлантирган З.Ибрагимов қонун ус- туворлигига эътибор қаратади. Прокуратура фаолияти- нинг ўрни ҳақида атофлича мулоҳаза юритади.

Журналдан ўрин олган «Кучли давлатдан кучли фу- қаролик жамиятига» рукнидаги демократик таракқиёт, аёлларнинг фаоллигида нодавлат нотижорат ташкилот- ларининг ўрни ҳақидаги материаллар ҳам сизга манзур бўлади. Жумладан, таълим ва фан ҳодимлари касоба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳи- мов «Демократлаштириш жараёнлари ва фуқаролик жа- мияти шаклланишида касоба уюшмаларининг роли»ға кенг тўхталади. Унда фарб ва шарк касоба уюшма фао- лиятидаги ўзига хослик, унинг тарихи, ривожланишига эътибор қаратиб: «Касоба уюшмаларининг энг асосий вазифаси меҳнат тўғрисидаги қонунларға риоя этили- шини назорат қилишдан иборат» дея эътироф этади.

Шунингдек, журналда «Сиртқи ҳуқуқий маслаҳатхона» ҳамда халқаро аҳамиятга молик «Анжуманлар, тақдимот- лар» билан ҳам танишасиз.

Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» муҳбири

Мулоҳаза

Инсон ҳаммаша тўқис яшашга интилади. Баъзи- лар ўзини ўтга-чўққа уриб, кўпроқ ва яна кўпроқ пул топишга ҳаракат қилади. Шундай мақсадни кўзлаган айрим юртдошларимиз турли йўллар билан чет давлатларға ишға кетишмоқда. Аф- суски, кўпчилик алдовға учрамоқда.

Олисининг бугдойи

Таътилда уйға борганимда, хунук хабарини эшитиб, ғалати бўлиб кетдим. Ишлашға кетган кўшимизнинг чет давлатдан жасадини олиб келишбди. Кўз олдим- га «Эрта-индин дадам келади» деб кувониб юрган ўртоғим келди. Неча йилни ортда қолдириб, эндиғи- на дийдор кўришаман деганда...

Воқеа сабаби билан қизиқдим. Қарангки, ўртоғим- нинг дадаси билан ишлаётган кўпгина юртдошларим- из ватанға қайтиш олдидан зиёфат ташкиллаштири- шибди. Базму жамийда ютоққанча ичганлари ароқ эмас, техник спирт экан. Бироз олдин кўнгилхушлик бошлаганларнинг барчаси жон таслим қилишади.

Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз? Балки бахтсиз та- содиғи ёхуд ишини арзон-гаровға битириб олган ха- сиси хўжайиннинг нағмасидир? Хуллас, маҳалламизда воқеанинг тахминий сабаблари ҳақида миш-мишлар урчиқ бошлади. Менинг эса фикру зикримни бир ўй эгаллаган: «Етим қолган беш нафар фарзанднинг таш- виши хожисор аёл елкасини эзиб қўймасикан?»

Ота-боболаримиз бежиз «Олисининг бугдойидан яқин- нинг сомони яқин» дейишмаган. Қадрдонлар давраси- да, қайноқ ватан тупроғида яшашға не етсин, ахир.

Феруза БОБОХОНОВА



Балиқчи туманидаги «Балтексгранд» масъулияти чекланган жамиятида тўқилаёт- ган трекотаж матолари харидорларға манзур бўлимоқда.

Жорий йилнинг феврал ойида ўз фаолиятини бошлаган ушбу корхонада ўн икки нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Суратда: ишчи Уғилой Бўстонова.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган сурат

Очиқ мулоқот

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ маса- лалари кўмитаси ҳамда Рес- публика Миллий матбуот мар- «зи ҳамкорлигига бўлиб ўтган матбуот анжуманида қонунчиликда амалга ошири- лаётган ислохотлар ва кўмита фаолиятига атофлича тўхта- либ ўтилади.

Унда Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Светлана Ор- тикова, кўмита аъзоси, сена-

тор Эркин Рўзметов ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

— Маълумки, қонунларнинг мазмун-моҳиятини халққа ет- казиш, бу борада тарғибот- ташвиқот ишларини жонланти- ришда оммавий ахборот воси- таларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Мана шундай анжуманлар орқали фаолиятимизни тарғиб эта олсак, бугунги мулоқоти- миз беиз кетмаган бўлади. — деди Светлана Ортикова. — Аслида ҳам Сенат томонидан

тасдиқланган ва амалиётға таътиқ этилган қонун ҳужжат- ларининг жойлардаги ижроси-



ни назорат қилиш ва кенг жа- моатчиликка унинг мазмун-мо- ҳиятини етказиш олдимиздаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Анжуманда Сенатнинг Қонун- чилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси фаолияти ҳамда унинг устувор вазифалари тўғрисида ахборот берилди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ ислохотлари, жумла- дан, ўлим жазосининг бекор қилиниши, амнистия актининг қўлланилиши халқимизға хос ке- чиримлилик ҳислатининг бир кўриниши экани эътироф этилди.

Ийгилишда қайд этилгани- дек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимнома-

сига мувофиқ Сенатнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган- лигининг ўн тўққиз йиллиги му- носабати билан амнистия тўғрисидаги» қарори тўғрисида ўтган давр мобайнида кўпгина ишлар амалга оширилди. Шу давргача 2514 та илтимоснома киритилган бўлса, шундан 1950 таси қаноатлантирилди. 2000 дан зиёд шахсға нисба- тан амнистия акти қўлланилди. Улар асосан, аёллар, воёға ет- маган шахслар, чет эл фуқаро- лари ва 60 ёшдан ошган эркеклардир.

Очиқ ва ошқора рўҳда ўтган мулоқот ййигиланларда катта таассурот қолдирди.

Акмал ЭРГАШЕВ

Бетакрор санъатимиз ва юксак ижодий салоҳиятимиз намойиши

Пойтахтимизда 9-14 октябр кунлари «Art Week Style.UZ» Санъат ҳафталиги бўлиб ўтди

Ҳафталикка АКШ, Буюк Британия, Италия, Испания, Франция, Швейцария, Германия, Россия, Япония сингари мамлакатларнинг мода ва заргарлик уйлари вакиллари, мохир дизайнер ва модельерлар, фотожодкорлар, санъат ва мода соҳасидаги йирик телекомпанияларнинг вакиллари, машҳур хонандалар, эстрада гуруҳлари ташир буюргани унинг дунё миқёсидаги мавқеи ва обрўси ошиб бораётганидан далолат. Санъат ҳафталигининг ранг-баранг тадбирлари юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Санъат байрами доирасида ўтказилган анъанавий санъат, дизайн ва мода кўргазмаси, франциялик расссом Кэтрин Метэ, италиялик фоторасссом Марко Перего ижодига бағишланган кўргазмалар, ёш расссомларнинг «Аристотел жумбоғи», «Вақт белгилари» мавзусидаги замонавий санъат кўргазмалари, «Қанча шаҳарчаси: ўтмиш ва замон» археологик кўргазмаси кўнчилиқда катта қизиқиш уйғотди.

Ҳафталик доирасида ўтказилган «Underground» — ёш дизайнерлар ижодига бағишланган модалар намойиши бунинг ёрқин далилидир. Унда Муниса Асқарова, Умида Юсупова, Надежда Ким, Евгения Елизарова, Лидия Андре, Камола Икромова, Таисия Чурсина сингари юртимизнинг иқтидорли моделер ва дизайнерлари томонидан томошабинлар эътиборига ҳавола этилган ижод намуналари ёрқинлиги, бетакрорлиги, миллий ва замонавий мода анъаналарини ўзида мужассам этгани мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Миллий санъат марказида ўтказилган Миллий либослар фестивалида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда ижод қилаётган 18 нафар модельернинг либослар тўплами дунёнинг таниқли модельерлари ва муҳлислари эътиборига ҳавола этилди. Фестивал учун тақдим этилган либосларни саралашда матони танлаш, миллий элементларни замонавий кийимларга таъбиқ этиш, андозалаш технологияларининг пухта бажарилганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

«Art Week Style.UZ» Санъат ҳафталиги бетакрор санъатимиз, бой маданиятимиз, халқимиз, истеъдодли ёшларимизнинг юксак ижодий салоҳиятини намойиш этиш, уни халқаро миқёсда эътироф этилишида яна бир муҳим қадам бўлди.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди



Айло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

Спорт оламида

«Challenger Tashkent — 2010»

Теннис усталари ТОШКЕНТДА

Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида мукофот жамоаси 125 минг АҚШ доллари тенг бўлган «Challenger Tashkent — 2010» халқаро турнири қизгин паллага кирди.



17 октябргача давом этадиган ушбу беллашуларда мезбонлардан ташқари, Россия, Словакия, Молдава, Беларус, Ямайка, Хорватия, Португалия, Канада, Хиндистон, Исроил, Чехия, Германия, Франция, Люксембург, Австрия, Австралия сингари йигирма бир давлатдан келган ракетка усталари бош соврин учун кураш олиб бормоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2008 йили илк бор ўтказилган мусобақада Хитой Тайпейдан Йен Сун Ли, ўтган йилги финал беллашувида эса кипрлик Маркос Богдатес бош совринга эгалик қилганди.

Бу йилги мусобакани иқтидорли теннисчиларимиз Мурод Иноятов ва Фаррух Дўстов галаба билан бошлашди. Мурод биринчи даврада словакиялик тажрибали теннисчи Андрей Мартинни 7/6, 6/4 ҳисобда мағлубиятга учратди. Аммо иккинчи босқичда австриялик Хайдер-Маурер Андреасга имкониятни бой бериб қўйди.

Фаррух Дўстов эса муваффақиятли одимини давом эттирмоқда. У иккинчи босқичда португалиялик номдор ракетка устаси Фредерике Гил устидан зафар қучди. Фаррух Дўстов кейинги босқичда люксембурглик Жилл Мюллерга қарши кортга чиқди.

«Гуанчжоу — 2010»

Рақибларимиз МАЪЛУМ



Хабарингиз бор, 12-27 ноябр кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳри навбатдаги 16-Осиё ўйинларига мезбонлик қилади. Яқинда нуфузли мусобақада футбол бўйича иштирок этадиган жамоаларга қуръа ташлаш маросими ташкиллаштирилди. Унда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қиладиган Аҳмад Убайдуллаев бошчилигидаги олимпия терма жамоамиз «Е» гуруҳидан жой олди. Олимпиячиларимиз кейинги босқичга чиқиш учун гуруҳда Бирлашган Араб Амирликлари, Бангладеш ва Гонконг терма жамоалари билан баҳс юритади. 24 та жамоадан иборат олти гуруҳнинг биринчи ва иккинчи поғоналаридан жой олган жамоалар ҳамда гуруҳларда энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган яна тўртта учинчи ўрин вакиллари нимчорак финал учрашувларига йўлланиши қўлга киритишади. Эслатиб ўтамиз, Осиё ўйинлари 25 ноябрга қадар давом этади.

Нарзулла МАХАМОВ

«Ибратли ҳикоятлар» туркумидан

Зўр лавозимларда ишлаб, охири ижтимоий таъминот бўлимидан паноҳ топган бир танишимиз бор. Мақтову маишати, ютуқларни ўз номига ўзлаштиришни яхши кўради. Ҳар гал дуч келишиб қолсак, «Ишлар зўр борапти, бир мақола қилмайсизми?» дея сўрашини қўймасди. Бир куни ўша «зўр» ишлар ҳақида сўрадим. Акахон камера рўпарасида тургандек у ёқ-бу ёғини тузатиб, гап бошлади:

Ошққча

МАҚТОВ — ОҒУ

— Қайси бирини айтмай? Кам таъминланган оила-ларга фалон, бола тарбиясида бўлган оналарга фалон сўм, боқувчисини йўқотганларга писмадон сўм ажратдик. Уларнинг кайфияти зўр! Ундан кейин, соҳа ажратма пулларидан Наврўз байрамиди зиёфат бердик. 8 Март байрамида хотин-қизларга ҳам зиёфат, ҳам совғалар. Азёлар маза қилишди. Дарвоқе, эртадан кейин яна байрам келаяпти. Сиз ҳам катнашингиз.

Савол-жавобимиз орасида бир нарса оғир тошдек кўнглимга ботди. Идорада ган қалпоғи билан мажолсиз кучуққа қўлидан сув берди. Қаландарнинг бу ишидан хабар топган пайғамбар «Нега шу яхшилиқни аввал

мурожаатлар мутлақо рўйхатга олинмас экан. Бошқа савол бермадим. Ахир, кишини кўтар-кўтар гаплар эмас, далиллар мақташи керак эмасми? Қиссадан ҳисса шуки, биёбонда қудуқ қазиш хар кимнинг ҳам қўлидан келадими? Зеро, кимнингдир қорига яраш, тўғри даслаҳати, хуш табиати ёки ширин сўзи билан инсонларга наф келтириш — чин одамлиқдир. Мақтов ўшандайларга ярашади.

Мансур ЗОИРОВ


Тадбир

«Лазги»га рақс этар эллар басма-бас...

Хоразмнинг дилтортар куй-қўшиқлари, шўх рақслари ҳаммани мафтун этади. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига асосан вилоят санъаткорларидан иборат ижодий гуруҳ Қашқадарёда бўлиб, туманларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишди. Айниқса, Оғаҳий номидаги мусиқали драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Гулнора Раҳимова, Қорақалпоғистонда ўтказилган «Камбарнинг олтин сози» танловининг мутлоқ ғолиби Рустамжон Нурметов, хушовоз хонанда Мелибои Давлетов, раққоса Саноабар Давлетова ҳамда созанда Умиджон Нурметовнинг ижрочилик маҳоратига қашқадарликлар қойил қолишди.

И. ИСОМИДДИНОВ

Ўзбекистон



Сўнгги йилларда Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати ҳақида кўплаб китоблар чоп этилди ҳамда дунё жамоатчилиги эътирофига сазовор бўлди. Хусусан, Шохалил Шойқубовнинг «Замонавий Ўзбекистон миниатюра санъати» асари Москвадаги жаҳон китоб ярмаркасининг ғолиби деб топилди. Германияда ташкил этилган тақдимотда Кувайт ва Хитой ноширлари эътиборига тушди. Араб, инглиз тилларига таржима қилинган асар Кувайтда нашр қилинди.

Халқимиз тафрактури ва ижодиёти маҳсули

Шохалил Шойқубовнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган яна бир китоби — «Ўзбекистон халқ амалий-безак санъати» ноширлик соҳасидаги ютуқларимизнинг ифодаси сифатида намойиш бўлди. Шунингдек, асар миллий қадриятларимизни жаҳон жамоатчилигига тарғиб қилуви мукаммал восита ҳамдир. «Буюк Ипақ йўли ворислари» деб номланган кириш қисмида миллий маданиятимиз ва халқ амалий-безак санъати усталарининг ижод тарихи акс эттирилган. Китобда халқ амалий-безак санъатининг барча турларини тиклаш, айрим хусусиятларини замонавийлик билан бойитиш ҳақида фикр билдирилади. Соҳага доир қонунийлик ва яратилаётган имкониятлар ривожланишида асосий омил бўлмоқда. Хусусан, «Мусавир» халқ санъати илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Нигористон» республика халқ санъати фирмасининг самарали фаолияти натижасида ўттиздан зиёд хунар-мандчилик тури қайта тикланди.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ, санъатшунослик фанлари доктори

«Республика кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарори га мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 31.03.2010 йилдаги №202-сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар Фарғона йўли қўчаси, 13\11-уй манзилида жойлашган, Бош прокуратура гаражида сақланаётган қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Дамас» ВАН русумли, д\р 01\497 ZAA бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 5 848 928 сўм.
2. «Дамас» русумли, д\р 01\496 ZAA бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 6 255 890 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 22 ноябр кунни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2010 22 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситалари 2010 йилнинг 25 ва 29 ноябр кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш акцияси савдоси ўтказилишидан бир соат олдин тўхтатилади. Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган савдо шартномасига асосан, объект бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг ОАКБ «Ипақ йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: Х\р: 20210000300571452114. МҒО: 01036, ИНН: 200933850.

Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-«а» уй. Тел: 228-79-52.

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси аукцион савдолари натижаларига қўра Яққасарой тумани Давлат солиқ инспекциясининг д\р 10АРО51 бўлган «Эсперо» — 4 900 000 сўмга; Тошкент Давлат Техника университетининг д\р 10АОС012 бўлган «Дамас» — 3 950 000 сўмга; иккита «ВАЗ-2106» русумли д\р 10АС573 — 2 820 000; д\р 10АС566 — 2 840 000 сўмга; д\р 10АТ027 бўлган «ГАЗ-3110» — 3 950 000 сўмга; Узмахсусимпекс» ДКнинг д\р 10АЗ757 бўлган «Опель Омега» — 24 100 000 сўмга; Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий Бошқармасининг д\р 0078ТНС бўлган «Опель вектра» — 3 450 000 сўмга; ОАБ «Қишлоқ қурилиш банки» Тошкент шаҳар минтақавий филиали тасарруфидида иккита «ГАЗ-3221» д\р 01/126КАА — 10 425 000 сўм ва д\р 01/127КАА — 8 550 000 сўмга; Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Неъмат кўчасидаги 0,03 га бўлган иккита 5а, ба-сонли ер участкалари 11 000 000 сўмдан сотилганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё санояти, геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакилчилиги жамоаси «Ўзбекгеофизика» ОАЖнинг «Амиробод КГЭ» филиалининг раҳбари

Олим ТўРАЕВИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office details.